

GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

**Бекмуродов А.Ш. – и.ф.д., проф.
Саггаров О.Б – и.ф.д., доц.
Тўхтаев А.Х., Бозоров Р.Ҳ.**

Аннотация: Мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг халқаро индексларда иштирокига бевосита боғлиқлиги эконометрик таҳлиллар асосида тадқиқ қилинган, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье проведено исследование на основе эконометрического анализа увеличения объема привлечения прямых иностранных инвестиций в национальную экономику по международным показателям и разработаны рекомендации по улучшению привлечения иностранных инвестиций.

Annotation: The article to attract foreign direct investment, increase international participation in the index directly linked to the national economy on the basis of econometric analysis, as well as to attract foreign investment recommendations aimed at improving the offer.

Калит сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, Глобал рақобатбардошлик индекси, эконометрик таҳлил.

Ключевые слова: прямые иностранные инвестиции, инвестиционный климат, индекс глобальной конкурентоспособности, эконометрический анализ.

Key Words: foreign direct investment, investment climate, Global competitiveness index, econometric analysis.

Кириш

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ўсиш соҳасида шаклланган стереотип қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда, жаҳон бозорларининг шиддатли ва гирдобли ҳаракати шароитида, дунёдаги илғор мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлай олувчи асосий ўсиш омиллари, яъни драйверларининг жуда аниқ белгиланишини тез-тез кузатмоқдамиз. Шубҳасиз, турли ҳукуматлар арсеналида иқтисодий ўсишни таъминловчи ранг-баранг механизм ва воситалар тўплами мавжуд. Бироқ, фикримизча, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсата олувчи турли-туман омиллар мавжуд бўлсада, ҳозирги кунда Ўзбекистонда учта инновацион таркибий қисм: инвестициялар, инновациялар ва маркетинг иқтисодий ўсишнинг асосий воситалари сифатида тан олиниши лозим.

Амалий ҳаётда инвесторлар бирор бир мамлакат иқтисодиётига, жумладан Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам инвестицияларни киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилганлиги, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодиётига киритишдан олдин мамлакатнинг инвестиция муҳитини маълум иқтисодий индикаторлардан фойдаланган ҳолда баҳолайди, улар одатда халқаро индекслар шаклида ифодаланади.

Йирик хорижий инвесторлар иқтисодиёт ҳолатини баҳолашда фойдаланадиган асосий индекслардан бири бу Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI, Global Competitiveness Index) бўлиб, инвесторлар шу каби индексларга таянган ҳолда стратегик қарорлар қабул қилишлари, бу борада мамлакатимиз ҳаётида амалий сиёсий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун таҳлиллар асосида етарлича асосланган илмий тадқиқот натижалари талаб этилиши, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев [1] миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили ҳақида тўхталиб: “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган” деб таъкидлаганлар.

Етакчи иқтисодчи олимлардан бири А.Ш.Бекмуродов [2] хорижий инвестицияларнинг хусусиятлари, уларнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда инвестиция муҳити ҳақида тўхталиб: “Жаҳондаги аксарият мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун маълум даражада рақобат курашини амалга ошириб, бунинг учун қулай ва рақобатбардош инвестиция муҳитини шакллантиради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат ички молия ресурслари чекланганлиги шароитида ҳар бир мамлакат учун муҳим қўшимча капитал манбаи, балки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур инновациялар, янги техника ва технологиялар, билимлар, ўқув ва компетенцияларнинг ҳам ишончли манбаи ҳисобланади” дея таъкидлаган.

Халқаро амалиётда, одатда, объектнинг (мамлакат, ҳудуд, тармоқ) инвестицион жозибадорлиги ёки инвестицион иқлими фақатгина инвесторнинг мазкур ҳудудга “кириб бориши” ва нотижорат хатарларнинг йиғиндиси билан баҳоланишига эътибор қаратилади.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва амалга ошириш таҳлилига бағишланган, Ф.С. Тумусов [3] томонидан таклиф этилган ёндашув ҳам диққатга сазовор. У “инвестицион салоҳият”ни сармояни такрор ишлаб чиқаришнинг моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи реал инвестицион талабга айланиш имконига эга бўлган инвестициялар бозорида инвестицион талаб шаклида намоён бўладиган, тўпланган сармоянинг бир қисмидан иборат инвестицион ресурсларнинг жамланмаси сифатида талқин этади.

С.В. Зенченко, М.А. Шемёткин [4] ўз тадқиқотида инвесторларнинг хоҳишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатишади. Хусусан, мамлакат/ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш учун энг муҳим омиллардан қуйидагиларни келтиришади: ресурсли – хом ашёвий (табиий ресурслар асосий турларининг ўртача ўлчанган таъминоти); ишлаб чиқариш (ҳудуддаги хўжаликлар фаолиятининг умумий натижаси); истеъмол (ҳудуд аҳолисининг харид қилиш қобиляти); инфратузилмавий (ҳудуднинг иқтисодий-географик ҳолати ва унинг

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

инфратузилмавий таъминланганлиги); интеллектуал (аҳолининг маълумот даражаси); институционал (бозор иқтисодиётига асосланган етакчи институтларнинг ривожланганлик даражаси); инновацион (ҳудудда илмий-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш даражаси). Шуни таъкидлаш керакки, инвестицион салоҳият ҳудудларни таснифлаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бири Ш.И.Мустафақулов [5] инвестицион муҳит ва унинг шаклланиши хусусида тўхталиб: “инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади...” дея фикр билдирган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда ҳар бир мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошиши ушбу мамлакатларнинг Глобал рақобатбардошлик индексидаги ўрни кўрсаткичларига боғлиқлиги эконометрик таҳлиллар асосида баҳоланган. Ушбу таҳлил натижалари сосида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилинадиган индексларда иштирокини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатини ташкил этиш ҳамда реал сектор корхоналарини модернизация қилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини

юқори рейтинг кўрсаткичлари тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади деган гипотеза илгари сурилди.

Амалга оширилган таҳлил иккиламчи маълумотлар асосида тузилган бўлиб, бунда иккита ўзгарувчидан фойдаланилган, яъни тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, FDI, ва Глобал рақобатбардошлик индекси, GCI.

Таҳлил ва натижалар

Тўпланган маълумотлар характери панел маълумотлари кўринишида бўлиб, 127 мамлакатнинг 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган 10-йиллик даврдаги маълумотларини ўз ичига олган. Маълумотларни панел маълумотлари кўринишида тузиш бизнинг ҳамда кўпгина хорижий тадқиқотчилар (Baldev ва Badi, 1992; Gujarati, 2004)нинг фикрига кўра ушбу икки ўзгарувчи орасидаги боғлиқликни янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Бизнинг регрессияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тобе ўзгарувчи сифатида намоён бўлади, шу вақтнинг ўзида Глобал рақобатбардошлик индекси мустақил ўзгарувчи сифатида иштирок этади. Бунинг асосий сабаби тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар натижавий омил ҳисобланади, яъни ушбу омилнинг иқтисодиётга ижобий таъсири аниқлиги исботланган (Borensztein ва бошқ., 1998; De Gregorio, 2003; De Mello, 1997; Mah, 2010; Rodrik, 1999) бўлиб, уни ошириш асосий мақсад ҳисобланади.

Эконометрик таҳлилнинг умумқабул қилинган усуллари (Gujarati, 2004; Brooks, 2008) кўра биринчи навбатда маълумотларни тартибга солиш жараёни амалга оширилди. GCI бўйича маълумотлар Умумжаҳон Иқтисодий Форуми (WEF, 2018) томонидан чоп этиладиган Глобал рақобатбардошлик бўйича ҳисоботдан ҳар бир мамлакатга бериладиган 12 гуруҳ кўрсаткичлари асосида шаклланган коэффицентлар кўринишида олинди.

Биз таҳлил учун айнан GCI коэффицентларини танлаб олганимизнинг сабаби категориялик маълумотлар (рейтинглар аслида кетма-кет жойлаштирилган категориялар ҳисобланади) асосида таҳлилни амалга оширишда уларнинг нопараметрик хусусиятлари туфайли муаммолар келиб чиқиши мумкинлигида эди.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

Таҳлилда иштирок этиш учун мамлакатлар рўйхатини тузишда танланманинг асосий мезони сифатида маълумотлар манбаларида тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинди.

Ўн йиллик тўлиқ маълумотга эга бўлмаган мамлакатлар таҳлилга киритилмади.

Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Жаҳон банкининг маълумотлари базасидан олинди (World Bank, 2018). Бизнинг тадқиқотда Жаҳон банкининг таърифи қўлланилган бўлиб, унга кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга инвестицион капиталнинг иқтисодиётга йўналтирилган оқими киради. У ўз капитали, қайта инвестицияланган фойда ва бошқа капиталдан иборат бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу бир мамлакат иқтисодиёти резидентига тегишли бўлган, бошқа иқтисодиётда жойлашган ташкилот бошқарувига сезиларли таъсир ёки назоратга эга трансчегаравий инвестициялардир.

10% ёки ундан кўп оддий овоз бериш ҳуқуқи мавжуд акцияларга эгалик қилиш тўғридан-тўғри инвестицион муносабатлар учун мезон сифатида қабул қилинган. FDI маълумотлар жорий АҚШ долларларида келтирилган.

127 та мамлакатнинг 10 йиллик маълумотлари панел кўринишга келтирилганидан сўнг стационарликни текшириш учун ҳар бир ўзгарувчининг унивариант таҳлили амалга оширилди. Маълумотларни 127 мамлакат ва 10 давр кесимида панел кўринишда тузиб олгандан сўнг (илова 1) ҳар бир ўзгарувчини стационарликка текшириш учун унивариант таҳлили амалга оширилди. Бунинг учун Levin, Lin ва Chu (2002), Im, Pesaran ва Shin W-stat (2003), ADF Fisher Chi-квадрат ва PP Fisher Chi-квадрат усулларини қўллаш орқали бирлик илдиз тестлари (Unit root test) ўтказилди. Интерпритация масаласини енгиллаштириш ҳамда ўзгарувчининг гетероскедастиклик муаммосини олдини олиш мақсадида FDI ўзгарувчиси логарифмик кўринишга келтирилди. GCI ўзгарувчисини логарифмик кўринишга келтиришга ҳожат бўлмади, чунки ушбу ўзгарувчинининг ўлчов бирлиги индекс кўринишда келтирилгандир.

1-жадвал.

Бирлик илдиз тестлари

Ноль гипотеза: бирлик илдиз мавжуд					
Усуллар		Levin, Lin ва Chu (LLC)	Im, Pesaran ва Shin (IPS) W-stat	MW-ADF Fisher Chi-квадрат	MW-PP Fisher Chi-квадрат
	Ўзгарувчилар				
Даража (Level)	FDI	-23.7366 (0.0000)	-7.34098 (0.0000)	421.046 (0.0000)	541.651 (0.0000)
	GCI	-9.08290 (0.0000)	-0.47084 (0.3189)	278.592 (0.1385)	243.143 (0.6769)
Фарқ (First difference)	FDI	-27.1497 (0.0000)	-11.7386 (0.0000)	565.789 (0.0000)	1074.47 (0.0000)
	GCI	-25.2292 (0.0000)	-9.91907 (0.0000)	569.754 (0.0000)	764.557 (0.0000)
<i>Eviews дастури ёрдамида ҳисоб-китоб қилинган</i>					

Бирлик илдиз тестлари натижаларига кўра FDI ўзгарувчиси даражада (level) яъни бирламчи келтирилган маълумотлар асосида стационар эканлиги аниқланди, шу вақтни ўзида GCI ўзгарувчиси бирданига 3 та тест асосида стационар эмаслиги аниқланди. Шу туфайли бирламчи маълумотларни фарқни олиш орқали трансформация қилишга эҳтиёж туғилди, бунда фарқ бир даврнинг аввалгисидан айириш орқали олинди. Янгидан тузилган, трансформацияланган маълумотлар бошидан бирлик илдиз тестидан ўтказилди ва бунда бирданига иккала ўзгарувчи стационар эканлиги аниқланди. Бу ҳолат эса (яъни стационарлик) ушбу икки ўзгарувчи ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишни давом эттиришга имкон берди.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

Регрессион таҳлилни амалга оширишдан аввал ушбу икки ўзгарувчи ўртасидаги корреляцияни аниқлашга қарор қилинди. Панел маълумотлари билан ишлаганда корреляцияни аниқлаш мураккабликларни келтириб чиқаришига қарамасдан ва уларнинг аҳамиятлилик даражаси бир мунча пастроқ бўлишига қарамасдан камида ўзаро алоқанинг векторини (тўғри ёки тескари боғлиқлик) аниқлаш муҳим эди. Қуйида икки ўзгарувчи ўртасидаги корреляция натижалари келтирилган.

2-жадвал.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда глобал рақобатбардошлик индекслари орасидаги корреляция

	LOGFDI	GCI
LOGFDI	1	0.678206434677799
GCI	0.678206434677799	1

Корреляцион таҳлил натижаларининг кўрсатишича ўзгарувчилар ўртасида ўртача кучдаги тўғри боғлиқлик мавжуд. Бундай натижа бизга ўзаро боғлиқликка оид кейинги босқичдаги таҳлилларни амалга оширишни бошлашга имкон беради.

Маълумотларнинг стационарлиги таъминланганлигидан сўнг умумқабул қилинган қоидаларга кўра олдимизда иккита вазифа мавжуд эди: 1) ушбу икки ўзгарувчи орасида боғлиқлик мавжудми ва мавжуд бўлса GCI ни бир birlikка оширишимиз FDI қанчага ўзгартиришини аниқлаш; 2) ҳақиқатда ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса, унда ушбу икки ўзгарувчидан қайси бири иккинчисининг сабабчиси эканлигини аниқлаш.

Биринчи вазифани бажариш учун панел маълумотлари таҳлилининг энг оддий стандарт усулида фойдаландик. Бунда асосий масала регрессион моделнинг қайси бири энг мос келишини аниқлаш лозим эди, яъни танлов доимий таъсир (fixed effects) ва тасодифий таъсир (random effects) моделлари ўртасида амалга оширилиши керак эди (3-жадвал).

3-жадвал.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва Глобал рақобатбардошлик индекси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик: панел маълумотлари таҳлили

Тобе ўзгарувчи: LOGFDI	Доимий таъсир Fixed effects		Тасодифий таъсир Random effects	
	C	S.e. (p-қиймат)	C	S.e. (p-қиймат)
GCI	0.956871	0.163340 (0.0000) ***	1.484479	0.122641 (0.0000) ***
Константа	17.58341	0.693143 (0.0000) ***	15.33225	0.535359 (0.0000) ***
R квадрат	0.877140		0.021267	
F-статистика	67.73938 (0.000000) ***		25.22733 (0.000001) ***	
Кузатувлар сони	1333		1333	
Давр	11		11	
Мамлакатлар сони	127		127	
Хаусман тести натижалари [23.916868 (0.0000)] Fixed effects га кўра модел танланмоқда				
<i>Манба: Eviews дастури орқали ҳисоб-китоб қилинган</i>				

Иккита модель бўйича регрессияни амалга оширишдан сўнг биз энг мақбулини танлашимиз керак эди. Бунинг учун Хаусман тести амалга оширилди, унинг натижаларига кўра Доимий таъсир (Fixed effects) модели энг мақбули ҳисобланади. Бундан ташқари, танланган моделда Стъюдент ва Фишер критерийлари бўйича статистик аҳамиятлилик кўрсаткичлари аҳамиятли бўлиб чиқмоқда ҳамда R квадрат юқори

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

қийматга эга бўлмоқда. Бу ўз ўзидан натижаларнинг ишончлилигини таъминлайди. Биз GCI индексининг 1 пунктга ошиши 0,95% га тўғридан тўғри инвестицияларнинг кириб келишини оширади деган хулосага келишимиз мумкин.

Ушбу босқичда биз аниқлаётган боғлиқлик қисқа муддатли характерга эга эканлигини аниқ айтишимиз мумкин. Биз учун энди боғлиқлик узоқ муддатли характерга ҳам эга эканлигини аниқлаш, шу билан бир қаторда икки ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқликда қайси ўзгарувчи иккинчисининг сабабчиси эканлигини аниқлаш муҳимдир.

Узоқ муддатли боғлиқликни аниқлаш учун ўзгарувчилар ўртасида коинтеграция таҳлилини амалга оширишимиз керак бўлади.

4-жадвал.

Коинтеграцион тестлар

Усуллар	Гуруҳлар ичида			Гуруҳлараро		
	Тест	Стат.	Эҳтим.	Тест	Стат.	Эҳтим.
LOGFDI GCI	Панель v- статистика	4.046983	0.0000	Гуруҳ rho - статистика	0.367086	0.6432
	Панель rho -статистика	- 5.991910	0.0000	Гуруҳ PP- статистика	- 18.36940	0.0000
Pedroni (1999)	Панель PP- статистика	- 15.20078	0.0000	Гуруҳ ADF- статистика	- 11.30325	0.0000
	Панель ADF- статистика	- 8.037235	0.0000			
Pedroni (2004) (Weighted statistic)	Панель v- статистика	- 12.12901	1.0000			
	Панель rho -статистика	4.694505	1.0000			
	Панель PP- статистика	0.402704	0.6564			
	Панель ADF- статистика	- 11.53662	0.0000			

Манба: Eviews дастури орқали ҳисоб-китоб қилинган

Коинтеграция тестларининг кўрсатишича ўзгарувчилар ўртасида узоқ муддатли боғлиқлик ҳамда ўзаро таъсир мавжуд. Яъни, мамлакатнинг рақобатбардошлик индексида ўз позициясини яхшилаши бир неча йилдан сўнг ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига таъсир кўрсатар экан. Шунинг ҳам инкор этиб бўлмайдик, ўз навбатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошиши маълум бир йиллардан сўнг ҳам мамлакатнинг рейтингдаги ҳолатини яхшилайдди. Объектив савол туғилади, агар ўзгарувчилар ўртасида узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса, қайси ўзгарувчи ушбу ўзаро боғлиқлик занжирини бошлаб берувчи асосий сабабчи ўзгарувчи ҳисобланади. Ушбу саволга жавоб топиш учун Грэнжер сабабийлик тести деб аталувчи жараённи амалга ошириш керак бўлади (Granger, 1969).

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

5-жадвал.

Грэнджернинг сабабийлик тести

Лаглар: 2		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 1008		
Ноль гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	6.39995	0.0017
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.30530	0.2716
Лаглар: 3		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 868		
Нулевая гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	4.97030	0.0020
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.43077	0.2324
Лаглар: 4		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 738		
Нулевая гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	2.54598	0.0383
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.33156	0.2566
Лаглар: 5		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 616		
Ноль гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	0.70076	0.6230
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	2.01668	0.0745

Грэнжер сабабийлик тестларининг кўрсатишича биз таклиф қилган ўзаро боғлиқлик аниқ намоён бўлмаёпти, ваҳоланки, 2, 3 ва 4 йиллик лагларда GCI FDI нинг Грэнжер сабаби бўлмоқда. 5-чи йилдан сўнг эса ушбу таъсир йўқолмоқда.

Биз шундай хулоса қилишимиз мумкин-ки, GCI даги позицияларнинг яхшиланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига олиб келади, ундан ташқари бу ўзгарувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига Грэнжер сабаб ҳам эканлиги аниқланди. Аниқланган лаглар бизга мамлакатнинг GCI даги ҳолатини яхшиланиши икки, уч ва тўрт йилдан сўнг ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида ижобий таъсир қилиб туришини кўрсатди.

Кейинги тадқиқотларда биз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошишига таъсир этувчи бошқа омилларни инобатга олган ҳолда, уларнинг таъсирини асослашга ҳаракат қиламиз. Ҳудди шундай таҳлилларни кластер (географик, иқтисодий ва ҳкз.) мезонлари асосида бўлиб таҳлил этиш ҳам қизиқарли натижалар бериши мумкин. Ва ниҳоят, мураккаброқ бўлган таҳлил усулларини (FMOLS, DOLS, VAR) қўллаш орқали бир қатор омилларнинг бир вақтнинг ўзидаги таъсирини таҳлил қилиш ва модератор (moderate) таъсирини аниқлашни режалаштирганмиз.

Хулоса ва таклифлар

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

-Бугунги кунда, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида иқтисодий ўсишга қаратилган ҳаракатларни илмий асослаш, концептуал ёндашувни таъминлашни талаб этади. Мисол учун, макроиқтисодий кўрсаткичларни янги даражага кўтариш учун мамлакат иқтисодиёти ҳар томонлама ривожланиш учун кучли импульс билан иш бошлаётганлиги қарор қабул қилиш жараёнининг аҳамиятини ошириб юборди.

-Мамлакатнинг глобал иқтисодий кўрсаткичларда иштироки унинг халқаро майдонда инвестицион ролини ҳамда инновацион ривожланишини аниқлаб беради ҳамда иқтисодиёт ҳақидаги муҳим маълумотларни тақдим этиб, унинг нисбий устунликларини ва мавжуд камчиликларини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, ушбу рейтинг индекслари хорижий инвесторлар ва иқтисодий ҳамкорлар учун муҳим маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади ва шунингдек келгусидаги ислохотларни ривожлантириш учун индикатор вазифасини бажаради.

-Бизнинг эмпирик миқдорий таҳлилимизга асосланган ҳолда GCI ҳамда хорижий инвестициялар ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик мавжуд.

-Бизнинг тадқиқотларнинг кўрсатишича GCI даги юқори ўринлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Асосий хулоса шундан иборатки, Ўзбекистоннинг Глобал рақобатбардошлик индексида кириши ва унда рейтингларда юқори поғоналарни эгаллаши мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ҳаттоки тўрт йил муддат ўтиб ҳам таъминлаб бериб туради.

Келгусида анча мослашувчан бўлмиш бошқа моделлар (FMOLS, DOLS, VAR) орқали ушбу ва бошқа омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий ва инновацион кўрсаткичларда иштирок этишга тайёрлигига қаратилган бирламчи тадқиқотлар мамлакат иқтисодиётининг янада очиқроқ бўлишига йўл очиб беради. Бундан ташқари, тадқиқотчилар ва амалиётчилар ўртасидаги бундай ҳамкорлик тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилишига олиб келади.

Энг муҳими, мамлакатнинг халқаро рейтингларга кириши ва унда ўз мавқеини кучайтириши учун қулай шароитларни яратилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошиши билан бир қаторда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий имиджини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- World Bank (2018) Жаҳон банки маълумотлари базаси, <https://data.worldbank.org>.
- WEF (2018) The Global Competitiveness Report 2017–2018, World Economic Forum, <http://reports.weforum.org/global-competitiveness-index-2017-2018>
- Baldev Raj and Badi H. Baltagi (1992) Panel data analysis (Studies in empirical economics), Heidelberg: Physica-Yerl.
- Gujarati N. Damodar (2004) Basic Econometrics, Fourth Edition, The McGraw–Hill Companies.
- Borensztein E. et al. (1998) How does foreign direct investment affect economic growth? Journal of International Economics 45, pp. 115 –135.
- De Mello L. (1997) Foreign direct investment in developing countries and growth: a selective survey. Journal of Development Studies; 34 (1): 1–34.
- De Gregorio J. (2003) The role of foreign direct investment and natural resources in economic development. Working Paper No. 196. Central Bank of Chile, Santiago.
- Mah J. (2010) Foreign direct investment inflows and economic growth of China. Journal of Policy Modeling 32, pp. 155–158.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
**GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири**

Brooks Chris (2008) *Introductory Econometrics for Finance*, second edition, The ICMA Centre, University of Reading, Cambridge University Press.

Rodrik D. (1999) *The New Global Economy and Developing Countries: Making Openness Work*. Policy Essay No:24. Overseas Development Council, Washington, DC.

Levin A., Lin C.F. and Chu Lin J. (2002) Unit root tests in panel data: asymptotic and finite-sample properties. *Journal of Econometrics* 108, pp. 1–24.

Im K.S., Pesaran M.H. and Shin Y. (2003) Testing for unit roots in heterogeneous panels. *Journal of Econometrics*, 115, pp. 53–74.

Pedroni P. (1999) Critical values for Co-integration tests in heterogeneous panels with multiple regressors. *Oxford Bulletin of Economics and Statistics* 61, pp. 653–678.

Pedroni P. (2004) Panel Co-integration: asymptotic and finite sample properties of fooled time series tests with an application to the PPP hypothesis. *Econometric Theory* 20, pp. 597–625.

Granger C. W. J. (1969) Investigating causal relations by econometric and cross-spectral methods. *Econometrica*, pp. 424–438.